

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

УРИНОВ УЛУГБЕК КОМИЛЖОНОВИЧ

**МОРФОЛИН ХОСИЛАЛАРИНИ ОЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.14 – Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги
материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2017 йил

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Ўринов Улугбек Комилжонович

Морфолин хосилаларини олиш
жараёнлари ехнологияси..... 3

Уринова Улугбека Камилжанович

Технология процесса получения
производных морфолина..... 19

Urinov Uiugbek Komiljonovich

Technology of the process of
obtaining derivatives of morpholine..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

УРИНОВ УЛУГБЕК КОМИЛЖОНОВИЧ

**МОРФОЛИН ХОСИЛАЛАРИНИ ОЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.14 – Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги
материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2017 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т31 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Максумова Ойтўра Ситдиқовна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Магруппов Фарход Асадуллаевич
кимё фанлари доктори, профессор

Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Фан ва тараққиёт» ДУК

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашининг «___» _____ 2017 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ тарқатилди.

(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

А.С. Ибодуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби т.ф.д., профессор

Г. Рахмонбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда полифункционал азот сақловчи бирикмаларни ишлаб чиқариш охириги ўн йилга нисбатан икки баробар ортган. Ишлаб чиқариладиган полифункционал азот сақловчи бирикмаларни ҳажми бўйича МДХ давлатлари жаҳонда иккинчи ўринда туради ва бу ионитларнинг 65 фоизи қорақўл терини қайта ишлаш корхоналарида терини юмшатиш ва терини антибактериал хусусиятини яхшилаши, халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланиладиган соҳаларда кенг ишлатилади ва уларнинг хоссаларининг, олиш технологияларини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизда мустақилликка эришилгандан кейин кимё саноатида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишидаги илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва маҳаллий бозорни импорт ўрнини боса оладиган кимёвий реагентлар билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Бугунги кунда маҳаллий хом ашёлар асосида синтез қилинган, таркибида азот-, кислород-, хлор сақлаган олигомерларни ишлаб чиқариш, уларнинг турли хил бактериларни ривожланишини тўхтатиш борасида самарали кимёвий моддалар ва уларни олиш технологияларини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу масалаларни хал этишда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим аҳамият касб эътиб, асосий йўлланма бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳонда таркибида азот-, кислород-, хлор сақлаган олигомерлар материалларни сифатини ошириш мақсадида: таркибида азот сақлаган моддаларни замонавий биологик фаол бирикмалар сифатида қўллаш, морфолин ҳосилалари структурасида тўйинмаган углерод-углерод боғларини сақловчи морфолинларнинг синтези; мочевина ва морфолин асосида янги полифункционал ва гетероциклик бирикмаларни олишнинг технологиясини яратиш долзарб масалаларини ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори, 2015 йил 4 мартдаги ПФ–4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 январдаги 8-сон «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларни қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ва қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Гетероциклик бирикмалар, шу жумладан морфолин ҳосилаларини олиш жараёнлари технологиясини ўрганиш бўйича Р.Эльдерфилд, А.А.Гайле, В.Е.Сомов, Г.Д.Залищевский, З.М.Мулдахметов, М.В.Бурмистр, Э.Г.Месропян, Г.А.Абдулин, А.М.Газалиев, Е.Е. Ергожин, Е.И. Люстгартен, А.А. Ваишейдт, А.А. Васильев, F.A.Long, М.А.Асқаров, А.Т.Джалилов, А.Ғ.Махсумов, Ф.А. Магрупов, Г.А.Ташбаев, В.П.Волков, Г.А.Смоляков ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Морфолин юқори реакцияга киришиши қобилятига эга бўлган хомашё бўлгани учун турли хил алкилгалогенлар билан реакцияга киришиб тўртламчи аммонийли тузлар олиш усуллари яратилган бўлиб, бунда алкилгалогенлар сифатида бензил хлорид, бутил бромид, аллил бромид қўлланилади. Ҳосил бўлган маҳсулотларни Cl^- , Br^- , I^- , BF_4^- , $H_2SO_4^-$ ионли оксиранли бирикмалар олишда қўллаш имконияти кўрсатилган. Шунингдек, морфолин асосида борорганик бирикмалар олиш, уларни сувли ва органик мухитларда селектив қайтарувчи, ҳамда нозик органик синтезда гидроборирловчи восита сифатида ишлатилиши аниқланган. Морфолин билан кетокарбон кислоталарни комплекс бирикмалар ҳосил қилиш жараёнлари ўрганилган ва олинган маҳсулотларни металллар юзасини ҳимояловчи қоплама ҳосил қилиш хусусияти текширилган.

Шу билан бирга янги морфолин ҳосилаларини олиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: морфолин билан эпихлоргидринни паст хароратда (0-5) хлоргидринлаш жараёнини ўрганиш; олинган хлоргидринни акрил кислота билан этерефикациялаб тўйинмаган мураккаб эфирларни олиш шароитларини аниқлаш. Морфолин билан эпихлоргидринни хона ва ундан юқори хароратда ўзаро бирикиш реакцияси асосида тўртламчи аммонийли олигомер бирикмалар олиш механизмини ва жараённинг оптимал шароитини аниқлаш; олинган олигомер бирикмаларни антибактериал, фармакологик хусусиятларини ўрганиш ва олиниш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг А-12-75 «Терига ишлов бериш учун биологик фаол моддаларни яратиш» (2015-2017 й.й.) яратиш мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янги полифункционал азот сақловчи бирикмалар—морфолин ҳосилаларини олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

паст ҳароратда (0-5°C) морфолин билан эпихлоргидрин асосида N-морфолин-3-хлор-2-пропанололиш реакциясини ўрганиш ва олинган маҳсулотларнинг структураларини аниқлаш;

олинган N-морфолин-3-хлор-2-пропанол билан акрил кислота асосида N-морфолин-3-хлор-изопропилакрилат олиш этерификация жараёни шароитини аниқлаш;

N-морфолин-3-хлор-изопропилакрилатни радикал полимерланиш реакциялари шароитини аниқлаш;

хона ва ундан юқори ҳароратда морфолин билан эпихлоргидрин асосида олигомер бирикма олиш усулини аниқлаш;

синтез қилинган морфолин ҳосилаларини структураси, физик-кимёвий, антибактериал хоссалари ва захарлилик хусусиятларини аниқлаш;

морфолин асосида олинган моддаларнинг олиниш технологиясини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти морфолин, эпихлоргидрин, мочевина, акрил ва метакрил кислоталар, морфолин ва эпихлоргидрин асосидаги маҳсулотлар.

Тадқиқотнинг предмети морфолин, эпихлоргидрин ва уларнинг ҳосилалари асосидаги гетерофункционал бирикмалар синтез қилиш ва олиниш технологиялари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ИҚ-, ПМР-, хроматомасс спектроскопия, рентгенструктура ва термогравиметрик таҳлил, юпка қаватли хроматография, фотоколориметрик, вискозиметрик ва бошқа усуллардан фойдаланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

морфолин билан акрил ва метакрил кислоталари асосида тўйинмаган гетероциклик бирикмалар олиш шароитлари аниқланган;

морфолин ва эпихлоргидрин асосида N-морфолин-3-хлор-2-пропанол синтез қилинган ва унинг акрил кислота билан этерификацияси натижасида янги мономер-N-морфолин-3-хлор-изопропилакрилат синтезланган, унинг радикал полимерланиш жараёни, технологик параметрлари аниқланган;

Жараённинг кинетик параметрлари: реакциянинг бошланғич реагентлар бўйича тартиби, полимерланиш реакциясининг фаолланиш энергияси аниқланган;

морфолин фрагменти мавжуд бўлган полифункционал бирикмаларнинг олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагиларда ўз аксини топган:

морфолин фрагментини органик молекула таркибига киритиш йўли билан антибактериал ва фармакологик хоссалари яхшиланган биологик фаол моддалар олиш мумкинлиги кўрсатилган;

морфолинни эпихлоргидрин билан ўз-ўзидан полимерланиш реакциясининг ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

морфолин билан эпихлоргидрин асосидаги олигомер маҳсулотлар ва уларнинг мисли комплекслари *E.Coli*, *S.Aureus* микробларига қарши юқори самарадорликни кўрсатиши аниқланган;

1-морфолин-3-хлор-2-пропанол билан акрил кислотаси асосида олинган мономернинг радикал полимерланиш реакциясининг кинетик қонуниятлари ўрганилган; уларни олишнинг оптимал шароитларини кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тахлилида замонавий физик-кимёвий ИҚ-, ПМР-спектроскопи, рентгеноструктуравий тадқиқот усуллари, морфолиннинг паст ва юқори молекулалиҳосилаларини олиш усуллари ишлаб чиқишда тадбиқ қилиш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти этерификация, комплекс ҳосил бўлиш, ўз-ўзидан ва радикал полимерланиш реакциялари асосида олинган натижалар гетерофункционал морфолин фрагментли моддалар яратиш йўналишидаги мавжуд услубий усулларни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – морфолин ва эпихлоргидрин асосида олигомер бирикмалар ишлаб чиқариш ва уларни қоракўл-териға ишлов беришда антибактериал препарат сифатида қўлланилганлиги билан белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Морфолин билан эпихлоргидриннинг ўз-ўзидан полимерланиши натижасида:

морфолин билан эпихлоргидрин асосида олигомер олиш технологияси яратилган (TSh 14825224-04, 2016 й.). Натижалар хориждан олиб келинаётган антибактериал перепаратларни алмаштириш имконини берган;

морфолин билан эпихлоргидрин асосидаги ишлаб чиқилган олигомер ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 25 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари асосида олинган олигомер қоракўл мўйна буюмларини физик-механик, гигиеник ва антибактериал хоссаларини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 халқаро ва 1 та Россия илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган, ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «Морфолин ҳосилалари синтези ва хоссалари» номли биринчи бобда морфолин асосида полифункционал бирикмалар олишнинг физик-кимёвий жиҳатларини ўрганиш ва синтез қилишга бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Дастлабки реагентларнинг ва морфолин асосида олинган маҳсулотларнинг физик-кимёвий хоссалари» номли иккинчи бобда дастлабки ва синтез қилинган бирикмаларнинг хоссалари, шунингдек тадқиқ қилинаётган бирикмаларнинг олиниш усуллари келтирилган.


Диссертациянинг учинчи бобда назарий ва амалий тадқиқотларнинг натижалари, хусусан морфолиннинг янги ҳосилаларини синтези келтирилган.

Морфолин ҳосилаларининг физиологик фаолиги юқори бўлиб, тиббий, фармацевтик препаратлар, озуқавий қўшимчалар ва бошқа моддаларни ишлаб чиқаришда қўлланилади. Шу сабабли морфолин ҳосилаларининг ассортиментини кенгайтириш муҳим назарий ва амалий қизиқиш уйғотади.

Морфолин фрагменти сақловчи аминспиртларни олиш мақсадида биз бир қатор морфолин сақловчи аминспиртларни синтез қилдик. Морфолин сақловчи бирикмаларнинг синтези учун реагент сифатида N-морфолин-3-хлор-2-пропанол танланди. У қуйидаги реакция бўйича синтез қилинди:



Биологик фаол мономерларни синтез қилиш мақсадида N-морфолин-3-хлор-2-пропанолни акрил кислота билан этерификацияси ўтказилди ва ушбу реакцияни қуйидаги схема кўринишида тасаввур қилиш мумкин:



Олинган мономер хушбўй хидли, рангсиз суюқлик бўлиб, сув, ацетон, диметилформаид, диметилсулфоксидда яхши, ароматик углеводородларда ёмон эрийди. N-морфолин-3-хлор-изопротилакрилатнинг тузилиши ИҚ- ва масс спектроскопия маълумотлари билан тасдиқланган. Синтез қилинган мономерларнинг ИҚ-спектрларининг 1220 ва 1020 см⁻¹ соҳасида C-N гуруҳга хос валент чизиқлари тебранишлари аниқланган бўлиб, уларнинг биринчиси кучлироқ, C-H деформацион тебранишлари 1400 см⁻¹ соҳада намоён бўлди. Чизиқнинг паст частотали томонидан ва (CH) 2800-2700 см⁻¹ соҳасида морфолин цикли ютилишининг ўзига хос чизиғи аниқланди, —CH₂— гуруҳининг тебраниши эса 2950-2920 см⁻¹ соҳасида асимметрик ва симметрик валент тебранишларига чизиғига эга. 1300-1100 см⁻¹ соҳасида метилен гуруҳларнинг айланувчи ва елпиғичсимон, метин гуруҳининг деформацион тебранишларига хос бўлган чизиқлар мавжуд. Метилен гуруҳларининг маятниксимон тебранишлари 785-715 см⁻¹ соҳасида жойлашган бўлиб, 705 см⁻¹ атрофидаги ютилиш деформацион тебранишлар билан боғлиқ. C-O-C гуруҳларнинг асимметрик валент тебранишлари 1150-1070 см⁻¹ соҳада, —C=C— боғининг валент тебранишлари 1680-1620 см⁻¹ соҳада жойлашган.


Синтез қилинган N-морфолин-3-хлор-изопротилакрилатнинг (МХИПА) полимерланиш реакцияларининг кинетик параметрлари гравиметрик усул ёрдамида олиб борилди. Дастлабки тажрибалар ёрдамида юқорида кўрсатилган мономернинг радикал инициаторларсиз полимерланмаслиги маълум бўлди. Унинг полимерланиши радикал инициаторлар иштирокида массада, ҳамда эритувчилар иштирокида тез содир бўлади.

Массада полимерланишнинг илк босқичлардаёқ реакциянинг кескин тезлашиши — гел-эффект (Тромсдорф эффекти) кузатилди. Шунинг учун МХИПА полимерланиш реакциясини барча тадқиқ қилиш ишлари органик эритувчилар муҳитида олиб борилди. Полимерланиш реакциясининг асосий қонуниятларини аниқлаш учун турли хил омилларнинг: эритувчи ва инициаторнинг табиати, мономер ва инициаторнинг концентрацияси таъсири ўрганилди.

N-морфолин-3-хлоризопротилакрилатнинг радикал полимерланиши динитрилазобис-изомой кислотаси (ДАК) иштирокида, 50-70^oC хароратда органик эритувчилар муҳитида ўрганилди. Эритувчи табиатининг полимерланиш жараёни кинетикасига таъсирини ўрганиш ацетон, этанол ва диметилформаид (ДМФА) муҳитида ўтказилди (1 расм).

Тажриба натижалари эритувчиларнинг диэлектрик ўтказувчанлиги ортиши билан полимерланиш реакциясининг тезлашишини ва гомогенлик сақланиб қолишини кўрсатди. Диметилформаид муҳитида энг юқори тезлик кузатилди. Бундай ҳодиса, афтидан кутбди эритувчиларда занжирлар ўсиши тезлигининг константаси ошиши сабабли юзага келиши мумкин.

Мономер ва инициатор концентрациясининг полимерланиш жараёнига таъсири ўрганилди ва реакцион муҳитда мономер ва инициаторнинг концентрацияси кўпайиши билан реакция тезлиги ортиши кузатилди.




Ацетон, этанол, диметилформамид (ДМФА). $t=60\text{ }^{\circ}\text{C}$, $[M]=1\text{ моль/л}$; $[ДАК]=5\cdot 10^{-3}\text{ моль/л}$.

Расм 1. ДАК иштирокида МХИПА полимерланишига турли эритувчилар табиатининг таъсири

Мономер бўйича тартиб 1,05, инициатор бўйича тартиб 0,5 га тенг эканлиги аниқланди. Бу ҳодиса ўсиб бораётган занжирнинг узилиши бимолекуляр механизм бўйича амалга ошишидан дарак беради. Полимерланиш жараёнининг фаолланиш энергияси 86,8 кДж/моль ни ташкил этиши график усул ёрдамида аниқланди.

Кейинги босқичда морфолинни (МФ) эпихлоргидрин (ЭХГ) билан ўз-ўзидан полимерланиши ўрганилди. МФ ни ЭХГ билан массада ва турли хил органик эритувчилар муҳитида 10 дан 50°C гача ҳарорат оралиғида кимёвий реакция содир бўлиши натижасида сувда эрувчи юқори молекулали маҳсулот ҳосил бўлиши аниқланди. Синтез қилинган маҳсулот сувда ва органик эритувчиларда яхши эриши кузатилди.

Тажрибалар асосида 2,2,6,6-тетраметилпиперидил-1-оксил, гидрохинон каби радикал ингибиторлар реакцияга сезиларли ингибирловчи таъсир кўрсатмаслиги, яъни жараёни радикал тарзда бормаслиги истисно қилинади. Олинган натижалар МФ ва ЭХГ ларнинг ўз-ўзидан полимерланиши кватерланиш ва полимерланиш реакцияларидан ташкил топганлигини ифодалайди. Негаки ҳосил бўлган тузларни тезда полимерланишга киришиб кетиши сабабли, кватерланиш реакциясини алоҳида ўрганишни иложи бўлмади. Реакцияни умумий кечишини куйидаги схема кўринишида ифодалаш мумкин:



Синтез қилинган маҳсулотларнинг таркиби ва тузилиши ИҚ-спектроскопик усул ва элементар таркиб таҳлили ёрдамида аниқланган. Олигомернинг ИҚ-спектрида МФ ва ЭХГ асосида $3350-3250\text{ см}^{-1}$ да амино гуруҳ учун хос бўлган ютилиш чизиги пайдо бўлиши, NH гуруҳининг деформацион тебранишлари эса 1642 см^{-1} соҳада, оддий эфир гуруҳининг валент тебранишларига тегишли интенсив чизиқ 1511 см^{-1} кузатилди. Эпокси халқага тегишли валент тебранишлари кузатилмаслиги эпоксид халқа очилишидан дарак беради.

Полимерланиш жараёнига эритувчиларнинг табиати, ҳарорат ва боланғич реагентларнинг концентрацияси каби турли омилларнинг таъсири ўрганилган. Полимерланиш бошланғич тезлигига эритувчи табиатининг таъсирини ўрганиш учун қуйидаги эритувчилар қатори танлаб олинди: бензол, этил спирти, сув. Олинган натижалар реакция тезлиги муҳит қутбилигининг ошиши билан тезлашишини кўрсатди. Реакциянинг кинетик жиҳатларини кейинги систематик ўрганиш учун этил спиртидан фойдаланилди, негаки, бунда реакция гомоген шароитларда кечади.

Турли хил ҳароратларда ($20-50\text{ }^{\circ}\text{C}$) кўрсатилган эритувчида ўз-ўзидан полимерланиш кинетикасини ўрганиш ишлари амалга оширилди. Тажриба маълумотлари ҳароратнинг ошиши билан ўрганилаётган реакция тезлиги ҳам ошишини кўрсатди. Реакция тезлигининг ҳароратга боғлиқлигидан жараённинг фаолланиш энергияси қиймати аниқланган бўлиб, у қиймат $56,2\text{ кДж/мол}$ ташкил қилади. Бу кўрсаткич Меншуткин реакцияларидаги кватерланиш реакцияларининг фаоллиги энергия қийматига яқиндир.

Тажрибот ва ИҚ-спектрал тадқиқотлари натижалари ўрганилган полимерланиш жараёнининг бошланғич босқичи Меншуткин реакцияси, яъни МФ ва ХЭП тўртламчи тузларининг ҳосил бўлиш реакцияси ҳисобланади. Бошланғич компонентлар концентрациясининг полимерланиш жараёнига таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, МФ ва ХЭП концентрацияларини ошиши билан реакция тезлиги ҳам ошади. МФ концентрацияси бўйича реакция тартиби 1,1 ни, ЭХГ концентрацияси бўйича эса 0,9 ни ташкил қилган.

Морфолин ва эпихлоргидрин асосида олинган олигомерлар билан мис(II) орасидаги комплекс ҳосил бўлиши ўрганилди. Морфолин ва эпихлоргидрин асосида олигомерларнинг комплекс ҳосил қилиш хоссалари $\text{Cu}(\text{NO}_3)_2$ нинг сувли эритмаларини Cu^{+2} катионидан фойдаланган ҳолда спектрофотометрик усул билан тадқиқ қилинди. Cu^{+2} сувли эритувчиларда комплекс ҳосил қилувчи хоссаларини эритувчи оптик зичлигини (А) тўлқин узунлигига (λ) боғлиқлигини аниқлаган ҳолда тадқиқ қилинди.


Дастлаб металл тузлари ва олигомер концентрациялари ($10^{-3}-10^{-5}$ моль/л) оралиғида бир қатор эритмалар тайёрланди. Кейинчалик бошланғич реагентлар ва комплекснинг сувли эритмаларини оптик зичлигидан (А) тўлқин узунлигининг максимал қиймати (λ_{max}) аниқланди. λ_{max} нинг максимал қиймати олигомер учун 210 нм интервалда ва мис ионлари учун 790 нм

интервалда жойлашганлиги кузатилди. Олигомерни $\text{Cu}(\text{NO}_3)_2$ билан аралашмасининг электрон спектрларида 540-690 нм соҳасида янги чизикнинг пайдо бўлиши кузатилди. Бу ҳолат комплекс бирикма ҳосил бўлганлигини кўрсатади.

Олигомерни Cu^{2+} ионлари ва олигомер билан ўзаро таъсирини ИК-спектрларини таққослаш шуни кўрсатдики, умуман олганда олигомер маҳсулотининг тузилиши сезиларли ўзгаришларга учрамайди, бироқ ютилиш чизигининг сурилиши кузатилади.

Морфолин билан ЭХГ асосидаги олигомернинг ИК-спектрининг 3393 см^{-1} соҳасида NH боғининг валент тебранишлари кузатилса, $2871\text{-}2960 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги кучсиз чизиклар аммоний катионига, 866 см^{-1} соҳада NH боғларининг елпиғичсимон тебранишларига, CO боғини 1114 см^{-1} соҳада тебранишига, C-N ни эса 1069 см^{-1} соҳада тебранишини кўрсатади. Олигомерни Cu^{2+} билан синтезланган комплексининг ИК-спектрида 1114 см^{-1} соҳада интенсив чизик пайдо бўлиши аниқланган, у морфолинга тегишли CO гуруҳга хос бўлиб, 1129 см^{-1} чизиги соҳасига сурилган, унинг юқори интенсивлик билан мураккаб контурга эга эканлиги Cu^{2+} ионларини олигомер молекулалари билан ўзаро таъсирлашивини кўрсатади.


Кейинчалик биз морфолин билан акрил ва метакрил кислоталарини этерификацияси орқали янги реакция қобилиятли мономер синтез қилдик. Атмосфера босимида морфолинни акрил ва метакрил кислоталари билан ўзаро таъсирлашуви натижасида икки хил бирикмалар аралашмаси ҳосил бўлиши аниқланади:



Тўйинмаган маҳсулотлар чиқим 80-85% ни ташкил қилади. У рангсиз кристалл модда бўлиб сувда, ацетонда, этанолда, диметилформамаидда яхши эрийди; бензолда эрмайди. Синтез қилинган бирикмаларнинг таркиби ва структураси элемент ва ИҚ-спектрал таҳлил маълумотлари билан исботланган.

Морфолинобетаинлар билан мочевина асосидаги синтез. Бетаинларни мочевина билан комплекслари кам ўрганилган объектлар бўлиб, морфолинобетаинлар билан мочевина асосидаги комплекс бирикмаларнинг структура маълумотлари Кембридж банкида деярли йўқ.


Морфолинобетаинларни мочевинага бирикиш реакцияси хона ҳароратида этанол муҳитида осон кечиб, оқ монокристалл маҳсулот пайдо бўлиши кузатилди:



Монокристалл этанол эритмасидан секин кристалланиши натижасида олинган. Адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, мочевина билан бундай турдаги комплекс бирикма олинганлиги кузатилмаган. Монокристалл бирикманинг атом координаталари ва бошқа параметрлари Кембридж банки структура маълумотларига жойлаштирилган (CCDC 1032146); deposit@ccdc.cam.ac.uk ёки <http://www.ccdc.cam.ac.uk>.

Синтез қилинган кристалларнинг структураси ИҚ-спектрал таҳлил ёрдамида аниқланган. ИҚ-спектрдаги 1672 ва 1620 см^{-1} соҳалари карбоксил ва карбоксилат гуруҳларининг мос ҳолдаги ютилиш чизиқлари мавжудлиги, 3406-2700 см^{-1} соҳада О-Н...О га хос бўлган ютилишнинг кенг чизиқлари борлиги аниқланади.

Комплекс бирикманинг тузилиши рентгенструктуравий таҳлил ёрдамида аниқланган (расм 2).



Расм 2. Морфолинобетаин билан мочевина комплекс бирикмасининг структураси

Расмдан кўриниб турганидек, морфолинобетаин молекуласи таркибига кирувчи морфолин фрагменти текисликда вертикал жойлашса, карбоксилат гуруҳлар перпендикуляр жойлашган. Иккала морфолин халқаси ҳам CH_2COO -экваториал жойлашувдаги гуруҳ билан кресло конформациясини ҳосил қилади. Морфолинобетаинларнинг иккита молекуласи мочевинанинг тўртта молекуласи билан анча мустаҳкам водород боғлари билан боғланган. Бу ҳолат мочевина-морфолинацетат қатламининг ҳосил бўлишига олиб келади. Водород боғининг ҳосил бўлишида иккита морфолинобетаин лигандларидан фақат биттадан кислород атоми иштирок этса, мочевинада эса ҳам $-\text{NH}_2$ гуруҳининг водород атоми, ҳам карбонил гуруҳининг кислород атоми иштирок этиши кузатилди.

Кристаллографик маълумотлар ва комплекс структурасини аниқлаш натижалари, атом координаталари ва атом сурилишларининг эквивалент параметрлари, боғлар узунлигининг асосий қийматлари ва валент бурчаклари катталикларининг кўрсатишича бирикманинг кристаллсимон ячейкасида олти молекула бўлиб, улар карбоксилат гуруҳининг битта кислород атоми, амина- ва метил гуруҳларнинг водород атомлари, карбонил гуруҳининг

кислород атомлари билан морфолинобетаин ва мочевина аминогурухининг водороди орасида боғ ҳосил бўлади.

Комплекс бирикманинг термик парчаланиши ҳавода қиздириш билан ва термоаналитик усул ёрдамида ўрганилди. Синтез қилинган кристалл бирикманинг термоаналитик тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, 169,4 °С ҳароратда суюқланиш жараёни бошланади – эндотермик чўққи кузатилади ($T_{\max}=175^{\circ}\text{C}$), ютиладиган энергия -171,9 J/g ни ташкил этади. Иккала таҳлил ҳам бир-бирига ўхшаш жиҳатларга эга.

Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги ҳақида. Замбуруғларга қарши препаратларнинг замонавий синфланишига структурасида морфолин фрагменти сақлайдиган бирикмалар ҳам киритилган. Шунинг учун синтез қилинган морфолин сақловчи моддаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш мақсадида, уларнинг бактерияларга қарши фаоллиги ўрганиш бўйича тажриба синовлари олиб борилди. Синовлар Тошкент Давлат Стаматология институтининг иммунология ва вирусология лабораториясида ўтказилди. Синтез қилинган бирикмалардан синаш учун сувда эрувчи препаратлар – морфолин билан эпихлоргидрин асосидаги олигомер ва унинг мис комплекси танлаб олинди.

Ушбу препаратларни паст концентрациялардаёқ (0,1%) стафилококк ва эшерихия микробларига сезиларли антибактериал таъсир кўрсатиши аниқланди. Тиббиёт амалиётида кенг қўлланиладиган фурацилин антисептигидан антимиқроб хоссалари бўйича устунлиги аниқланган.

Олигомер препаратининг зарарлигини аниқлаш. Морфолин билан эпихлоргидрин (“Морэпи”) препаратининг ўткир токсиклик, маҳаллий қитиқлаш, аллергия таъсир ва кумулятив хоссаларини ўрганиш мақсадида лаборатория ҳайвонларида тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар Тошкент фармацевтика институтининг фармакология ва клиник фармация кафедрасидаги илмий-экспериментал лабораториясида олиб борилди. Тажрибалар сичқон, каламуш, қуён ва денгиз чўчқасида синовдан ўтказилди. Препаратлар ҳайвонларга 12,5-25,0 мг/кг дозаларда синалганда ва бир сутка ичида ҳайвонларнинг нобуд бўлиши кузатилмаган. Шунинг учун ЛД₅₀ ҳалокатли доза нисбатларини аниқлаш имконияти бўлмаган. Токсикликни ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар бўйича морфолин билан эпихлоргидрин асосидаги олигомер (“Морэпи”) кимёвий моддалар синфланиши бўйича зарарсиз препарат эканлиги аниқланган.


Морфолин билан эпихлоргидрин асосида олинган олигомерни қоракўл мўйна маҳсулоти олишда қўллаш. МФ ва ЭХГ асосида олинган олигомер препарати антибактериал хусусиятни намоён этгани ва зарарсизлигини эътиборга олган ҳолда қоракўл қўй терисига ишлов беришда синаб кўрилди (жадвал).

Олинган натижаларга кўра, олигомер препарати билан ишлов берилганда қоракўлқўй терисининг нисбий чўзилувчанлиги 20% га гигроскопиклиги 85%, чўзилишдаги мустаҳкамлиги 10-11% га ортиши кўзатилди.

**Олигомер препарати билан ишлов берилган қўй терисини синов
натижалари**

| Кўрсаткичлар | Кўрсаткичлар қиймати | | |
|---|----------------------|--------|--------|
| | ГОСТ 1875-83 | эталон | Морэпи |
| Терига ишлов бериш температураси, °С < эмас | 80 | 80 | 80 |
| Хром оксиднинг масса улуши, % | 1,5-3,5 | 2,5 | 1,5 |
| Чўзилишдаги мустаҳкамлик, МПа | 10 | 18 | 25 |
| Нисбий чўзилувчанлик, % | 30-50 | 30 | 42 |
| Гигроскопиклик, % | - | 8,5 | 15,6 |
| Намлилик, % | - | 7,5 | 7,9 |
| Бўғ ўтказувчанлик, г/см ³ | - | 450 | 562 |

Юқорида келтирилган тадқиқотлар натижасида морфолин ва ЭХГ асосида олинадиган олигомер ишлаб чиқариш учун технология таклиф қилинди. Технологик схема анча соддалаштирилган бўлиб, полимерланиш жараёни аралаштиргичли реакторда амалга оширилади (расм 3).




1-аралаштиргичли реактор; 2-насос; 3-ҳайдаш колоннаси; 4-конденсатор; 5-қайнатгич; 6,7,8-қабул қилгичлар.

Расм 3. Морфолин билан эпихлоргидрин асосида олигомер олишнинг принцинал схемаси

Шунингдек, поли-N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат олишнинг янги технологик схемаси таклиф қилинди (расм 4). Схемага кўра полимер маҳсулотининг олиш қуйидаги босқичлардан иборат: 1) дастлабки реагентларни (морфолин, эпихлоргидрин, сув) жараёнга тайёрлаш ва

1 реакторга юбориш; 2) хлоргидринлаш реакцияси ёрдамида N-морфолин-3-хлор-2-пропанол олиш; 3) N-морфолин-3-хлор-2-пропанола билан акрил кислота этерификацияси; 4) реакция маҳсулотини ректификациялаш; 5) N-морфолин-3-хлор-изопропилакрилатнинг радикал полимерланиши; 6) олинган полимерни тозалаш ва қуритиш.



1,8-реакторлар; 2,9-насослар; 3,10-ректификация колонналари; 4,11-совутгич-конденсаторлар; 5,12-қайнатгичлар; 6-вентиль; 7,13-дозирловчи насослар; 14-полимеризатор; 15-ювгич; 16-қуритиш камераси.

Расм 4. N-морфолин-3-хлор-изопропилакрилат асосида полимер маҳсулотлар олишнинг принципиал схемаси

Таклиф қилинаётган технологиянинг янгилиги шундан иборатки, унда ҳам мономер, ҳам полимер маҳсулотларини битта ишлаб чиқариш тармоғида олиш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. N-морфолин-3-хлор-2-пропанол билан акрил ва метакрил кислоталарни этерификация реакцияси натижасида мураккаб эфирлар олиш жараёнига ҳарорат, реакция давомийлиги, дастлабки моддалар концентрацияси таъсири аниқланган.

2. N-морфолин-3-хлор-2-пропанол ва акрил кислоталарни ўзаро таъсир реакцияси асосида олинган тўйинмаган мураккаб эфирни полимерланиш жараёнига эритувчининг табиати, мономер, инициатор концентрацияси ва ҳароратнинг таъсири аниқланиб, мономер бўйича реакция тартиби 1,05 ни, инициатор бўйича эса 0,5, фаоланиш энергиясининг умумий қиймати 86,8 кДж/моль эканлиги кўрсатилган.

3. Морфолин билан эпихлоргидринни массада ва турли органик эритувчилар муҳитида 20-50°C ҳарорат оралигида ўзаро таъсирлашуви натижасида сувда эрувчан юқори молекуляр модда ҳосил бўлиши аниқланиб, мономер бўйича реакция тартиб ва полимерланиш жараёнининг умумий энергияси 56,2 кДж/мол га тенглиги ҳисоблаб топилган.

4. Хона ҳароратида морфолинобетаинни мочевилага бирикиш натижасида монокристалл бирикманинг ҳосил бўлиши аниқланган. Кристалл бирикманинг атом координаталари Кембридж банкининг структуравий маълумотлари банкига жойлаштирилган (CCDC 1032146); (deposit@ccdc.cam.ac.uk или <http://www.ccdc.cam.ac.uk>).

5. Морфолин ва эпихлоргидрин асосида олинган олигомер ва унинг мис комплексини стафилоккоки ва эшерихия коли микробларига нисбатан антимиқроб фаоллигини намоён қилиши аниқланган.

6. Морфолин ва эпихлоргидрин асосида олинган олигомер билан ишлов берилганда қорақўл териларининг физик-механик ва гигиеник хусусиятлари: нисбий чўзилувчанлик 20% га, чўзилишдаги мустаҳкамлиги 10-11% га, гигроскопиклиги 85% ортиши кўзатилган.

7. Морфолин ва эпихлоргидрин асосидадаги олигомер ва N-морфолин-3-хлор-изопропилакрилат асосида олинган полимер маҳсулотларининг олиниш технологик жараёни таклиф қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

УРИНОВ УЛУГБЕК КОМИЛЖОНОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПРОЦЕССА ПОЛУЧЕНИЯ ПРОИЗВОДНЫХ
МОРФОЛИНА**

**02.00.14 - Технология органических веществ и
материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛАСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент -2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/T31

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ik-kimyo.nuuz.uz и информационно-образовательном портале Ziyonet по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Максумова Айгура Ситдиқовна
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Магруппов Фарход Асадуллаевич
доктор химических наук, профессор

Набиева Ирода Абдусаматовна
доктор технических наук, профессор

**Ведущая
организация:**

ГУП «Фан ва тараккиёт»

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 г. в _____ часов на заседании Научного совета _____ при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. Навои, 32. Тел.: (99871) 222-79-21; e-mail: tkti_info@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована в за № ____). Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. Навои, 32. Тел.: (99871) 222-79-21).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(реестр протокол рассылки № _____ от _____ 2017 года).

С.М.Туробжонов
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

А.С.Ибодуллаев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Г.Р.Рахмонбердиев
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире производство полифункциональных азотсодержащих соединений по сравнению с последним десятилетием возрос в два раза. В мире по объёму производства полифункциональных азотсодержащих соединений страны СНГ занимают второе место и 65% процента выпускаемой продукции применяются в производствах переработки каракулевой кожи для смягчения и улучшения антибактериальных свойства в различных сферах народного хозяйства, в связи с этим ведутся научно – исследовательские работы по усовершенствованию технологии получения их производных.

В Республике после приобретения независимости уделяется большое внимание развитию научных исследований в области химической промышленности, производства новых видов продукции и их реализации, и при этом достигнуты определенные результаты по удовлетворению местного рынка в импортазамещающих химических реагентов. В этой связи, синтези разработка на основе местного сырья азот, кислород, хлор содержащих антибактериальных олигомеров, которые подавляют рост бактерий является актуальность проблемой. В развитие решении этих проблем в Республике Узбекистан служит основным направлением стратегия движения.

На сегодняшний день во всем мире актуальной является повышение качества олигомерных материалов содержащих в составе атомы азота, кислорода и хлора: применение в качестве современных биологических активных вещества, синтез морфолино содержащих производных морфолина в структуре ненасыщенных углерод-углеродных связей; создание технологии получения на основе морфолина и мочевины новых полифункциональных и гетероциклических соединений считается актуальной задачей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан: ПП-1442 «О приоритетах развития промышленности Республики Узбекистан в 2011-2015 годах» от 15 декабря 2010 года, № ПФ-4707 «О Программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы» и постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 января 2015 года за № 8 «О дополнительных мерах по сокращению производственных затрат и снижению себестоимости продукции в промышленности», № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технологии и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. По разработке гетероциклических соединений, в том числе по исследованию производных морфолина были посвящены работы Р.Эльдерфилда, А.А.Гайле, В.Е.Сомова, Г.Д.Залищевского, З.М.Мулдахметова, М.В.Бурмистра, Э.Г.Месропяна, Г.А.Абдулина, А.М.Газалиева, Е.Е. Ергожина, Е.И. Люстгартена, А.А. Ваишейдта, А.А.Васильева, F.A.Long, М.А.Асқарова, А.Т.Джалилова, А.Ғ.Махсумова, Ф.А.Магруппова, Г.А.Ташбаева, В.П.Волкова, Г.А.Смолякова и других.

